2016 ЙИЛ 18 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 80 (13.143)

Баҳоси эркин нархда

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА АЗАЛИЙ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель куни Кўксаройда бўлиб ўтди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Қозоғистон Президентини юртимизга ушбу ташрифи билан қутлаб, бу олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

– Сизни Ўзбекистонда кўришдан ҳар доим хурсандмиз. Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан яхши қўшни, дўст бўлиб яшаб келган. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ана шу тамойиллар асосида ривожланмоқда. Халқаро вазият тез ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги кунда бундай дўстлик, ўзаро англашув янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташрифингиз томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имкониятдир, – деди Ислом Каримов.

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон Президентига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланаётганини қайд этди.

– Тўғри таъкидлаганингиздек, халқларимиз асрлар давомида ёнмаён, тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда. Мустақиллик йилларида биз бу муносабатларни янада мустаҳкамладик. Марказий Осиёнинг етакчи давлатлари бўлган мамлакатларимиз ҳамкорлиги бутун минтақа учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва изчил давом эттиришдан манфаатдормиз, – деди Нурсултон Назарбоев.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда пойтахтимизда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда.

Ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат парламентлари ўртасида амалий мулоқот йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган.

Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланиши ва иқтисодиёт тикланишидан манфаатдор эканини таъкидладилар. Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қарамақарши томонлар ўртасида сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро келишувга эришиш энг тўғри ва ягона йўл эканлиги қайд этилди.

Президентлар Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув ресурслари минтақамизнинг умумий бойлиги бўлиб, халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан улардан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масаласида БМТ конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шериклларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга мева-сабзавотлар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга қора ва рангли металлар, ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. 2015 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Қозоғистонда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 151 корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Қозоғистон капитали иштирокида 206 корхона, шу жумладан, 171 қўшма корхона очилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йил 10-11 март кунлари Остона шаҳрида мазкур комиссиянинг 15-мажлиси бўлиб ўтди.

2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясига мувофиқ савдо, сармоя, транспорт, коммуникациялар, божхона, сув-энергетика ва инновация йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ўзаро алоқаларга қўшимча суръат бағишламоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг фойдаланилмаган ресурсларини ишга солиш ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини бериши таъкидланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида товар айирбошлашнинг ўсувчан динамикасини сақлаб қолган ҳолда унинг ҳажмини янада кўпайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Қўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорлар ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокарада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Шу билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2016 йил 15 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг 15 январида республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодиётни ва унинг тармоқларини, энг аввало, саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва модернизациялаш, муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва янгилаш, хусусий мулкни, тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини оширишнинг ўртача муддатли дастурларини амалга оширишнинг натижалари кўриб чиқилди ҳамда ҳар томонлама таҳлил қилинди.

2016 йил учун қабул қилинган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларини тизимли ҳамда изчил амалга ошириш туфайли глобал иқтисодиётда давом этаётган инқирозли ҳодисаларга ва унинг ривожланиши суръатлари секинлашганлигига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари ҳамда макроиқтисодий мутаносиблик таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоиз ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми – 6,7 фоиз, чакана товар айланмаси ҳажми 12,8 фоиз кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Хизматларнинг замонавий турларини, энг аввало, ахборот-коммуникация технологияларига асосланган турларини жадал ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хизматлар ҳажмларининг 12,1 фоиз ўсишини ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2015 йилнинг биринчи чорагидаги 59,3 фоиздан 59,5 фоизгача кўпайишини таъминлади.

Кичик бизнесни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 8,4 мингта ёки 2015 йилнинг шу давридагига қараганда 5,5 фоиз кўп янги субъекти ташкил этилишига кўмаклашди. Йил бошидан бошлаб кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўм банк кредитлари берилди, ўсиш 2015 йилнинг 1-чорагидагига қараганда 1,3 бараварни ташкил қилди.

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида 167,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Р.Саидаҳмедов ва бошқалар Президентимиз томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва маърифий жиҳатдан тарбиялаш, касбга йўналтириш, аҳоли орасида миллий-маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ривожланиб, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш такомиллашмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилояти кенгаши томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда депутатлик бирлашмалари иштирокини янада кучайтириш мавзуида тадбир ўтказилди.

● Навоийда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги механизмини татбиқ этишга бағишланган ҳудудий семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Навоий вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, таълим муассасалари ходимлари, журналистлар иштирок этди.

● Нукусда ёнғин хавфсизлиги назоратини янада кучайтириш, ходимларнинг бу борадаги билим ва кўникмасини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади!" шиори остида гимнастрада бўйича мусобақа ўтказилди. Унда корхона ва ташкилотларда ишловчи, шунингдек, 25 ёшдан катта бўлган уй бекалари ва фаол аёллар ўзаро баҳслашди.

● Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Заркент ота" зиёратгоҳида "Тарихдан садо бергувчи обод гўшалар" акцияси ўтказилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ва Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган акцияда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Дохада бўлиб ўтган нефть қазиб олувчи давлатлар раҳбарларининг учрашувида иштирокчилар ягона тўхтамга келиша олмади. Нефть қазиб чиқаришни қотириб қўйиш мумкинлиги ҳақидаги масала энди ОПЕКка аъзо давлатлар мутасаддиларининг июнь ойида ўтказиладиган учрашувида кўриб чиқилади.

● Эквадорда кучли ер қимирлаши натижасида 262 нафар одам ҳалок бўлди, 2,5 мингдан ортиқ аҳоли турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Кўпгина бино ва иншоотлар вайрон бўлди.

● Англиянинг Оксфорд университети мутахассислари Бют оролидаги Шотландиянинг ўрта асрларга тегишли қасрида буюк инглиз драматурги Уильям Шекспирнинг биринчи пьесалар тўплами намунасини топишди. Шекспирнинг ўлимидан етти йил кейин (1623 йил) нашр қилинган тўпламда 38 та пьеса бўлиб, мазкур тўпламнинг замонавий нусхаси шу ой охирида драматург вафотининг 400 йиллиги арафасида қайта чоп этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Оилани, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга, оналар ва болаларни тиббий парвариш қилиш даражаси ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди. Дастур тадбирларини молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 1,3 триллион сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, шу жумладан, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич кўпайтириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш, республика ҳудудларининг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш бўйича устувор вазифаларнинг амалга оширилиши ва натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги вақтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишининг қарийб 80 фоизи иқтисодиётнинг қайта ишлаш тармоқлари томонидан таъминланаётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори хомашёни жаҳон бозорида талаб этилган тайёр маҳсулотга чуқур қайта ишлашнинг 3-4 босқичли циклларига ўтишни назарга тутувчи 2020, 2025 ва 2030 йилларга ҳисоблаб чиқилган саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни тугаллашни жадаллаштириш ва тасдиқлаш учун киритиш зарурлигига қаратилди.

Республиканинг бир қанча хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари, вилоятлари ва туманлари ҳокимликлари раҳбарлари олдига 2016 — 2020 йилларда мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини, рангли ва нодир металларни чуқур қайта ишлаш тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш ва қабул қилинган мақсадли параметрларга эришиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳокимликлар ҳузурида янгидан ташкил этилган ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича йиғма бошқармаларнинг самарали ишлашини ташкил этиш, шунингдек, тармоқ тузилмалари билан биргаликда минтақаларнинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, жойларда юқори қўшилган қийматли, шу жумладан, экспортга етказиб бериладиган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этишнинг дастурий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан комплекс қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Саноат ишлаб чиқаришини узлуксиз техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмлари 8,5 фоиз, шу жумладан, хорижий инвестициялар 14,4 фоиз ўсишига кўмаклашганлиги қайд этилди. 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 368 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди, улар бўйича қуриш ва реконструкция қилишга пудрат шартномалари белгиланган тартибда тузилган. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 37 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Фарғона водийси вилоятларини республиканинг қолган ҳудуди билан тўғридан-тўғри темир йўл қатнови билан бирлаштирадиган янги электрлаштирилган Ангрен — Поп темир йўли қурилиши тугалланмоқда. Самарқанд — Бухоро темир йўлини, йўловчилар ташиш поездларининг юқори тезликда ҳаракатланишини ташкил этган ҳолда, электрлаштириш лойиҳаси жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Замонавий технология бўйича кенг полосали фойдаланишни ташкил этган 500 километрдан ортиқ оптик-толали тармоқларини қуриш ва захирага қўйиш амалга оширилди. Қишлоқ турар жой массивларида 13 мингта янги шинам уйлар, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш бошланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида қурилиш ишларига ўсиб бораётган талабни ҳисобга олган ҳолда 2016 йилда 400 тадан ортиқ янги, молиявий барқарор ва зарур техника билан жиҳозланган қурилиш ҳамда монтаж ташкилотларини ташкил этишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда маҳсулот экспортининг тузилмасини диверсификациялаш ва турларини кенгайтириш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш, шу асосида 2016 йил учун белгиланган экспортнинг прогноз параметрларига эришишни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳон бозорларида талабнинг кескин қисқаришига, кучайиб бораётган ноаниқликка ва қаттиқ рақобатга қарамай, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг ташқи бозорларга кириб боришини зарур тарзда қўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистонда кўрилаётган самарали чора-тадбирлар экспорт ҳажмлари ўсиши тенденциялари ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлаётганлиги қайд этилди. Йил бошидан бошлаб олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 583 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, шунингдек, маҳсулотларнинг 95 та янги турини экспорт қилиш ўзлаштирилди.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори экспортга етказиб беришни кўпайтиришнинг барча мавжуд захираларини аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш, янги бозорларни ўзлаштириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, янги ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишнинг зарурлигига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан янгидан ташкил этилган "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ва унга идоравий мансуб ихтисослаштирилган "Ўзагроэкспорт" ташқи савдо компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарлари олдига белгиланган мақсадли параметрларга мувофиқ янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини жорий йилда экспортга етказиб бериш ҳажмлари бўйича ўз вақтида контрактлар тузилишини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига хорижий инвесторларни жалб этиш ва корпоратив бошқарув, шунингдек, давлат улушлари ва активларини, шу жумладан, "ноль" сотиш қиймати билан сотиш ҳисобига давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилиши чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 178 та давлат активи 216 миллиард сўмга яқин инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда хусусий мулкка сотилганлиги қайд этилди. Устав фондларида давлат улушлари бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2015 йилнинг шу давридаги 378 та ўрнига 209 тагача қисқарди.

Хўжалик бирлашмалари, акциядорлик жамиятлари раҳбарларига Давлат рақобат қўмитаси билан биргаликда 2015 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро инвестиция форумида эришилган аҳдлашувларга мувофиқ давлатнинг ва хўжалик бирлашмаларининг активларини хорижий инвесторларга сотишни тезлаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриш топширилди. Улар олдига, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг устав фондларида хорижий капитал улушини камида 15 фоиз миқдорида таъминлаш мақсадида уларнинг устав фондларига потенциал хорижий инвесторларни фаол жалб этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА)

Ҳуқуқий маслаҳат

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИГА САЙЛОВЛАР — МУҲИМ ЖАРАЁН

Маълумки, жорий йилнинг май-июнь ойларида бутун республикамиздаги каби шаҳримиздаги 505 та маҳаллада ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади. Халқимиз ҳаётидаги ушбу муҳим жараён арафасида сайлов қонунчилиги бўйича ҳамшаҳарларимизни қизиқтираётган саволларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонундан келиб чиққан ҳолда жавоблар бериб борамиз.

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларининг сайлови қандай асосда ўтказилади?

— Мазкур сайлов Олий Мажлис Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" янги таҳрирдаги қонунга асосан ўтказилади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари қандай белгиланади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ваколатларига нималар киради?

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилади.

Сенат Кенгаши комиссиясининг ваколатларига қуйидагилар киради:

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

комиссияларнинг сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш қандай бораётганлиги оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш.

Сенат Кенгашининг комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш ҳуқуқи нималардан иборат?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иштирок этиши ихтиёрий ҳамда эркиндир. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшовчи фуқаролар эга.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови қандай принциплар асосида ўтказилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу каби муҳим вазифаларни самарали амалга ошириш учун маҳаллаларни малакали раҳбар кадрлар бошқариши зарур. Шу жиҳатдан фуқаролар йиғинларига бўлиб ўтадиган сайловлар маҳаллалар фаолиятининг ривожида, мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бўлажак сайлов давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, либераллаштириш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитга тўғри келмоқда. Бу эса сайловнинг ҳар бир иштирокчисидан, энг аввало, сайловга кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳ вакилларидан катта масъулият талаб қилади.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига пухта тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ташкил қилиш юзасидан Тошкент шаҳридаги 505 маҳаллага ҳамда сайловда иштирок этувчи бошқа субъектларга сайлов жараёнида ўз ишларини тизимли ва самарали ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Конференцияда "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятига оид маърузалар тингланди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиянинг вазифалари, ишчи гуруҳнинг ваколатлари бўйича батафсил тушунтириш берилди.

Н.АБДУРАИМОВА



Инновацион лойиҳалар татбиқ этилмоқда **Алишер Исроилов олган сурат**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг кўрсатмаларига асосан Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилиб, касб касалликларига учраган фуқаролар тўғрисида олиб борилган мониторинг юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

ХОДИМЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Маҳамадалиев, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти клиникаси бўлими мудири Элмира Йўлдошева ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг олий мақсади ва юртимизда барпо этилаётган жамиятнинг ижтимоий асоси – халқимизга муносиб турмуш ва меҳнат шароити яратиб беришдан иборат эканлиги, қолаверса, касб касалликларига чалинган фуқароларга белгиланган имтиёзлар, институт томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Йиғилишда ахборот берилишича, Тошкент шаҳри туманларидаги оилавий поликлиникалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва мутасадди ташкилот ходимлари иштирокида бўлиб ўтган мониторинг давомида кўрсатилган манзилда истиқомат қилмайдиган, мамлакатимиздан доимий яшаш учун чет элларга чиқиб кетган, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган фуқаролар ҳамда вафот этганлар ҳақида батафсил маълумотлар тўпланган.

— Касб касалликларининг келиб чиқишига ёмон меҳнат шароитлари ва касбга алоқадор зарарларнинг организмга таъсири натижасида пайдо бўладиган касалликлар ҳамда организмнинг ўта толиқиши ва касалликка қарши кураша олиш фаолиятининг пасайиши сабаб бўлади. Меҳнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш, касб касалликларининг олдини олиш борасида институтимиз клиникаси томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ушбу мониторинг юзасидан пойтахтимиз туманларининг барчасига клиника ходимлари бириктирилган бўлиб, улар касб касалликларига учраган фуқароларга яратилган шароитлар, имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб, амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Келгусида ҳам ана шундай тадбирларни давом эттиришни режалаштирганмиз, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти клиникаси бўлими мудири Элмира Йўлдошева.

Шунингдек, тадбир давомида йиғилганларга оғир шароитларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясининг таъминланиши, уларга хавфсиз ва соғлом иш шароитларининг яратилиши, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан профилактика ишлари олиб бориш кераклиги ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Йиғилиш ташкилотчилари ўтказилган мониторинг иштирокчиларига ўз миннатдорчиликларини билдириб, бундай ишлар келгусида ҳам амалга оширилиши лозимлиги ҳақида таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Касб касалликларига чалинган фуқароларнинг 2016 йил давомида Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти клиникаси соғлиқларини тиклаш мақсадида даволанишлари юзасидан келишиб олинди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида "Бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишида сифат ва самарадорликни ошириш" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Республика таълим маркази директори И.Зокиров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида барча таълим муассасалари замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, ахборот технологиялари билан таъминлангани билимли ва истеъдодли ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Анжуманда педагог ва тадқиқотчилар тажриба алмашди, илмий таклифлари, педагогик технологиялари, янги лойиҳалари, ўқув қўлланмаларини тақдим этди. Илғор ўқитувчиларнинг иш фаолияти таҳлил этилиб, тажрибалари оммалаштирилди.

Конференцияда бошланғич таълим учун яратилаётган адабиётлар, бу борада амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ва истиқболдаги режалар юзасидан фикрлашилди.

Таълим масканларида маърифий-тарбиявий ишларни изчил такомиллаштириш, педагогларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, тарбия жараёнига замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, мультимедиа технологияларининг таълим сифатини оширишдаги аҳамиятига оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Янги қонун кучга кирди

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилди.

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонун, хусусан, унда конституциявий даражада парламент назорати институти мустаҳкамлангани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилди.

Маълумки, мамлакатда қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ижро интизомига риоя қилишда назоратнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Назорат ўз соҳаси ва йўналишидан келиб чиқиб, турли органлар томонидан амалга оширилади. Ҳаётимизда ва қонун ҳужжатларида маъмурий назорат, прокурор назорати, экологик назорат, санитария-эпидемиология назорати, ёнғин назорати, ишлаб чиқариш назорати, экспорт назорати, солиқ назорати, божхона назорати каби тушунчалар кўп учрайди. Мазкур назорат турларининг барчаси ўзига хос бўлиб, муайян соҳа, йўналишда маълум воқеа-ҳодиса ёки ижтимоий муносабатлар жараёнини текшириш мақсадида олиб бориладиган махсус фаолиятни англатади.

Ушбу назорат турларининг ичида парламент назорати ўз мақоми, назорат тизимида тутган ўрни ва роли билан ажралиб туради. Унинг бошқа назорат турларидан асосий фарқи аввалambор, олий давлат вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи бўлган халқ томонидан сайлаб қўйилган вакиллар томонидан амалга оширилиши, иккинчидан, ҳокимиятлар ўртасидаги "бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат сақлаш" тизими воситаси бўлиб хизмат қилиши; учинчидан, асосий объекти давлат органлари фаолияти эканлиги; тўртинчидан, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиши; бешинчидан, ўзининг демократиклиги, очиқ ва ошкоралиги, партиялар ва электорат манфаатларини уйғунлаштирганлиги, жамоатчилик фикри ва кучига таяниши кабиларда намоён бўлади.

Шу маънода 2016 йил 12 апрелда матбуотда эълон қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам айнан мазкур соҳада узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил, босқичма-босқич, тадрижий ислоҳотларнинг навбатдаги муҳим мантиқий натижасидир.

Мазкур Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унда мазкур назоратни амалга оширишда жуда ҳам муҳим бўлган парламент назорати субъектлари, объекти, амалга ошириш шакллари, субъектларнинг мажбуриятлари, парламент назорати натижалари каби масалалар ўрин олган.

Қонун пухта бўлиши учун уни ишлаб чиқишда миллий қонунчилик, парламентимиз фаолиятида шаклланган ижобий тажрибалар ҳамда ривожланган демократик давлатларнинг бу соҳадаги энг илғор тажрибалари ўрганилди ҳамда уларнинг энг самарали нормалари ҳисобга олинди.

Қонуннинг асосий мақсади Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган қонунчилик базасини яратишдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг, шунингдек, муҳим давлат дастурларининг рўёбга чиқарилиши юзасидан ушбу давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ҳамда жавобгарлигини оширишдан иборат.

Қонуннинг 3-моддасида мазкур назорат субъектлари аниқ белгилаб қўйилди, унга кўра Олий Мажлис палаталари, палаталар қўмиталари комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назорати субъектлари қаторига киритилди.

Қонуннинг энг муҳим ютуқларидан бири, бу — партиялар фракцияларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги асосда қурилишига хизмат қилувчи бир қатор нормаларни назарда тутганидир. Хусусан, Қонунда сиёсий партия фракцияларининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросининг боришини кўриб чиқишда, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини дастлабки тарзда муҳокама қилишда ҳуқуқлари белгиланган, ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш, парламент сўровини юбориш тўғрисидаги таклиф киритиш ҳуқуқлари берилганлиги шулар жумласидандир.

Маълумки, ҳар қандай назорат унинг объекти аниқ белгилаб олингандагина мақсадли ва самарали бўлади ҳамда бошқа субъектларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятларига аралашмасликни кафолатлашга хизмат қилади. Шу мақсадда Қонуннинг 4-моддасида парламент назоратининг объекти аниқ белгилаб қўйилди, унга кўра "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объектидир".

Объектда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўладиган жиҳат, бу – парламент назоратининг фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан амалга оширилишидир. Яна бир жиҳат шундаки, мазкур органларнинг ҳар қандай фаолияти эмас, балки шартли равишда айтадиган бўлсак 3 хил йўналишдаги фаолиятигина ажратиб олинмоқда: биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини амалга ошириш бўйича фаолияти, иккинчиси, давлат дастурларини ижро этиш бўйича фаолияти, учинчиси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти. Яъни, парламент назорати субъектлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмасликлари лозим. Бунга яққол мисол қилиб мазкур Қонунда "Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек, ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас", деб белгилаб қўйилган нормани келтириб ўтиш мумкин. Бу жуда ҳам тўғри бўлиб, ҳокимият бўлиниши конституциявий принципи талабларига тўла мос келади.

Агар жаҳон парламентаризми тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, унда парламент давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини — бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш, дебатлар, парламент палаталарида ҳукумат ёки вазирларнинг ўз фаолиятлари ҳақида маъруза ёки ҳисобот беришлари, парламент эшитувлари, парламент текширувлари, қонун татбиқ этилишини ўрганиш, оғзаки ва ёзма саволлар бериш, омбудсман орқали инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини текшириш йўллари орқали ўз назоратида тутишини кузатишимиз мумкин. Шу маънода Қонуннинг 5-моддасида белгиланган давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросининг боришини кўриб чиқиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини, ҳукумат аъзоларининг ахборотини, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш, парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови, Олий Мажлис палаталари қўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилаётганлигини ўрганиш каби парламент назорати шакллари парламент назорати бўйича жаҳон андозаларига тўла мос келади.

Айниқса, қабул қилинган қонунларни ижро этиш мақсадида қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилиш, парламент текшируви сингари янги, бироқ амалиётда синалган парламент назорати шакллари мамлакатда қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ижро интизомига риоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Қабул қилинган қонунларни ижро этиш мақсадида қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилишнинг долзарблиги ҳақида Юртбошимиз 2015 йил 23 январда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида таъкидлаб ўтган эдилар. Шу маънода Қонунга бу назорат шаклининг алоҳида киритилиши давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган муаммонинг ечимига хизмат қилади.

Қонунда кўрсатиб ўтилган назорат шаклларининг барчаси парламентга жуда катта имкониятлар беради. Биргина "Давлат бюджети ижро этилишини кўриб чиқиш" шаклининг ўзиёқ парламентга бюджет орқали ҳаётимизнинг барча қирраларини кўриш, давлат маблағларининг самарали, мақсадли сарфланиши устидан баҳо бериш имкониятини беради.

Шунинг учун ҳам Қонуннинг 7-моддасида Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек, уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкинлиги, бунда фракциялар, депутатлар гуруҳлари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Маълумки, ҳар қандай назорат ўзининг самараси, натижадорлиги билан мантиқий якунига етади. Шунинг учун ҳам якуний чораларнинг аниқ, равшан белгилаб қўйилиши парламент назорати мақсадига етарлигини баҳолашда, таҳлил қилишда жуда ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу маънода Қонуннинг 21-моддасида парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича амалга ошириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар белгилаб қўйилди. Уларнинг ичида энг муҳимларидан бири сифатида назорат якуни бўйича янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонунларни қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маърузаларни, ҳисоботларни, ахборотни ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўрсатган ҳолда ушбу органларга маромига етказиш учун белгиланган тартибда қайтариб юбориш; парламент назорати натижаларини эълон қилиш мумкинлиги кабиларни алоҳида қайд этиш лозим. Чунки, экспертларнинг фикрларича, парламент назоратининг бошқа давлат назорати турларидан фарқли равишда асосий мақсади, кимнидир жазолаш эмас, балки қонунчиликни такомиллаштириш йўли билан муаммоларга чора кўриш ҳисобланади. Парламент назорати натижаларини эълон қилиш чораси ҳам бутун ривожланган демократик давлатлар тажрибасида қўлланиладиган сиёсий-ҳуқуқий таъсир воситаси ҳисобланиб, тегишли мансабдор шахслар фаолияти жамоатчилик орасида кенг муҳокамаларга, танбеҳларга сабаб бўлади.

Қонуннинг 22-моддасида парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмлар назарда тутилган. Уларнинг ичида энг муҳимлари сифатида парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва (ёки) қарорлар қабул қилиш; қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўришни келтириб ўтиш мумкин.

Назорат бўйича берилган ваколатларни суиистеъмол қилмаслик учун Қонуннинг 23-моддасида тегишли қонуний кафолатлар яратилган. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслик; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши учун тўсиқларни юзага келтирмаслик шулар жумласидандир.

Айни вақтда парламент назоратининг самарали амалга ошиши учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ҳам муҳим бўлиб, Қонуннинг 24-моддасида уларнинг парламент назорати амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; парламент назорати субъектларининг қонуний талабларини бажариш, шунингдек, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслик; парламент назорати субъектларига парламент назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш, уларнинг ишончлилиги ва холислигини таъминлаш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳокимият бўлиниши конституциявий принципини рўёбга чиқаришни давом эттиришда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини яратишда, Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришда, қонун устуворлигини, қонунийликни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари ижросини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш учун уларнинг жавобгарлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент

БИЛИМ ВА ИҚТИДОРЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШДИ

Ҳар йили анъанавий тарзда "Камолот" ЁИҲ қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, болалар томонидан олиб борилаётган ижтимоий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ташкилот аъзоларининг фаолият тизимларини янада мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий нуфузини ошириш, Ҳаракатнинг ривожига ва келажакда мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш мақсадида "Камалак" билимдонлари" кўрик-танлови ўтказиб келинади.

Танловнинг Шайхонтоҳур туман босқичи 324-мактабда бўлиб ўтди. Жорий йилнинг февраль ойида тумандаги 35 та умумий ўрта таълим мактабларида мактаб босқичлари ўтказилди ва март ойида ғолиб жамоалар мактабларароро 5 та минтақавий босқичларда туман босқичига йўлланма олиш учун ўзаро беллашдилар. 7 та минтақавий босқичда юқори балларни қўлга киритган жамоалар туман босқичида ўзларининг билимли, иқтидорли ва ташаббускорликларини синовдан ўтказишди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан 167-умумий ўрта таълим мактабининг 4-синф ўқувчиларидан ташкил топган "Камалак" юлдузлари" жамоаси ғолибликни қўлга киритиб шаҳар босқичига йўлланма олди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга Ҳаракатнинг туман Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Азизбек МУРОДИЛЛАЕВ

ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Миллий университети талаба-ёшлари иштирокида "Одам савдоси, терроризм, диний экстремизмга қарши кураш ва ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан шаҳарча ҳокимлиги, ИИБ билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда юқорида қайд этилган мавзуга атрофлича изоҳ ва тушунчалар берилди. Ҳар бир қилинган ишнинг самараси, умид билан экилган дарахт мева бергани каби ўз натижасини кўрсатишини унутмаслик лозимлиги алоҳида таъкидланди.

— Бугунги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг катта қисмини айнан ёшлар қамраб олганлиги, қолаверса улар тақдири Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда яратилган имкониятлар ҳар бир ёш авлод қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиши шубҳасиз, — дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси Фаёз Қўшақов. — Ҳаммамизга маълумки бугун нафақат Европа балки Осиё, Марказий Осиё давлатларининг айримларида содир этилаётган кўнгилсизликлар бизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Юртимизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадрига етиш ҳамда асраб-авайлаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Тадбирда сўзга чиққанлар талаба-ёшларга ўз фикрларини айтиб ўтишар экан, доимо огоҳ бўлиш, тинч ва осуда Ватанимиз, унда ёшларга яратиб берилаётган улкан имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, тинчлик қадрига етиб яшаш кераклигини таъкидладилар.

Зарина РУСТАМОВА

ЁШЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Транспортдаги ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда аёллар ва ёшларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар яратилган имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланмай, қонунга зид ҳаракатлар қилаётган аёллар ва ёшларнинг учраётгани, талабалар содир этаётган ҳуқуқбузарликлар, унинг олдини олишга оид халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги профилактик ва тезкор профилактик, тарғибот ишлари хусусида сўз юритди.

— Халқимизда "Беш қўл баробар эмас", деган ибратли нақл бор, — дейди Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси инспектори, лейтенант Умиджон Тўйчиев. — Оилада ота-онанинг масъулиятсизлиги, жамоатчиликнинг эътиборсизлиги туфайли ҳуқуқбузарликлар содир бўлмоқда. Ота-она фарзанд тарбияси ҳамда камолоти учун жавобгарлиги, ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши лозимлиги қонун ҳужжатларида белгиланган. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган талаба вояга етган ҳисобланиб, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгар. Шунинг учун улардан огоҳ ва ҳушёр бўлишлари, қилаётган ишининг оқибатини олдиндан англаган ҳолда ҳаракат қилишлари уқтирилди.

Шунингдек, тадбирда "Икрор" видеофильми намойиш этилди.

Тадбир якунида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислардан жавоб олдилар.

Хуршида ЮСУПОВА,
ЎзМУ магистранти

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

2-Тошкент юридик коллежида Чилонзор туманида таҳсил олувчи академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда Чилонзор туманидаги 13 та коллеж ва 3 та академик лицейларнинг иқтидорли ўқувчилари 5 та шарт бўйича ўз билимларини намойиш этишди.

Дастлаб танлов қоидаларига кўра ўқувчилар таништирув шартида ўзларининг ўқув масканлари ҳақида маълумот беришди. Иккинчи шартда билимдонлар ҳакамлар ҳайъати томонидан тақдим этилган саволларга жавоб беришди, учинчи шартда иштирокчилар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган мавзуларда видеоролик намойиш этишди, тўртинчи шартда жамиятда учрайдиган ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни саҳна кўриниши орқали кўрсатиб беришди. Бешинчи шартда эса жамоалар таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳалари юзасидан ўз билимларини синовдан ўтказди.

— Танловга март ойидан тайёргарликни бошлаган эдик, — дейди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейининг ҳуқуқ фани ўқитувчиси Шоҳида Каримова. — Ўқув масканимизда ўтказилган танловда 4 та жамоа қатнашиб, ғолиб бўлган жамоа бугунги танловда иштирок этмоқда. Лицейимизда ҳуқуқ фани ўқитилишига катта эътибор берилади, дарсларда янги қонунлар, ўзгаришлар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга етказилади.

— Танлов билимларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, —



дейди жамоа сардори Мардонбек Ёқубов, — менимча, ҳар бир юртдошимиз қонунларни, ўз ҳуқуқини билса ҳаётда адашмайди.

Шартлар бўйича иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишини ҳуқуқ соҳаси мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди. Тўпланган баллар натижаларига кўра биринчи ўринни 1-Тошкент педагогика коллежининг "Омбудсман" жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежининг "Адолат" жамоасига, учинчи ўрин эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейининг "Интеллект" жамоасига насиб этди.

Танлов ғолиблари "Камолот" ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши томонидан эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Биринчи ўринни эгаллаган жамоа кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди.

З. ШАРИФЖОНОВ,
С. ИБРАГИМОВ



Фестиваллар



ТОШКЕНТ — МЕҲМОНДЎСТ ШАҲАР

Пойтахтимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Тошкент – меҳмондўст шаҳар" анъанавий фестивали ўтказилди.

"Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" лойиҳаси доирасида уюштирилган мазкур фестиваль 2003 йилдан буён ёшлар қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинади.

— Ўзида миллий урф-одатларимизни ёшлар қалбига чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган лойиҳанинг кенг кўламли эканлигини таъкидлаш жоиз, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Бундай лойиҳаларнинг ўтказилиши натижасида ёшларнинг маънавиятга, қадриятларга бўлган ҳурмат-эътибори ошаётганида кўриш мумкин. Бугунги кунда ёш авлодни ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлган халқ ўйинларида иштирок этишлари юртимизда ёш авлод тарбиясига қаратилган эътиборнинг яққол намунаси десак муболаға бўлмайди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда ёшлар замонавий билимлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбияланаётганини таъкидлаб ўтишди.

Фестивалга таклиф этилган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари ўзларини мўъжазгина оламга киргандек ҳис этишди. Мазкур фестивалда Ҳаракатнинг шаҳар ва туман Кенгаши бўлими ходимлари, таълим муассасалари бошланғич ташкилот етакчилари, иқтидорли ва фаол талабалар иштирок этиб, шаҳримиздаги 11 та туман ташаббуси билан 11 вилоятнинг урф-одатлари, анъаналарини кўрсатиш билан бирга ўзига хос миллий таомларидан иборат дастурхон безатишди.

Иштирокчиларнинг варраклари кўм-кўк осмон узра баланд парвоз қилаётганини кўриб, ёшларимиз ҳақиқатдан ҳам эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканига ишонч ҳосил қилдик. Боғга ташриф буюрганлар ёшларни ўзига хос миллий либосларда кўриб, шундай қадрияти баланд, урф-одатлари такрорланмас юртнинг фарзанди эканлигини ҳис қилдилар. Деворий газеталар, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос миллий таомларидан иборат дастурхонлар барчанинг эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан тадбирда Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Туманларнинг тақдимотлари бевосита ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Фестиваль сўнгида фаол иштирок этган туманларга "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Дошқозонда сумалак қайнади, билимли, изланувчан ёшлар томонидан миллий урф-одатларимиз акс этган саҳна кўринишлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ ўйинларини намойиш этишларидан кўнглимиз фахрга тўлди. Фестивалда ёш хонандалар ва эл севган санъаткорлар ижросидаги дилбар тароналар, болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Спорт янгиликлари

Ниҳоят қисқа муддатли танаффусдан сўнг футбол бўйича мамлакат XXV миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасидаги 3-тур баҳслари бўлиб ўтди.

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Айтиш жоизки, жорий мавсумда етакчи жамоаларга муносиб қаршилик кўрсатаётган клублар сони кўпайиб боряпти. Ҳар бир учрашувда совринли ўринларга даъвогарлик қиладиган пойтахтимиз жамоаларининг ғалаба қозонишлари осон кечмаяпти.

Учинчи турга келиб пойтахтимиз клублари "Бунёдкор" ва "Пахтакор" очко йўқотишди. Ўз майдонида "Машъал" командаси билан куч синашган "Бунёдкор" жамоаси 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасига гол кирита олмади. Ўйин 0:0 ҳисобида якунланди.

Шунингдек, сафарда "Бухоро" жамоаси билан ўйнаган амалдаги чемпион "Пахтакор" ҳам 0:0 ҳисобида дуранг натижа қайд этди.

Жорий йилда ўз олдига фақат чемпион бўлишни мақсад қилган "Локомотив" Тошкентда "Нефтчи" жамоаси билан куч синашди ва меҳмонларни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Темирхўжа Абдухолиқов, Марат Бикмаев (2 та), Кахи Маҳарадзе гольларга муаллифлик қилишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди. "Насаф" — "Обод" – 1:0, "Қўқон – 1912" — "Андижон" — 1:0, "Қизилқум" — "Олмалиқ" — 2:1, "Металлург" — "Шўртан" – 3:2, "Навбаҳор" — "Сўғдиёна" – 0:0.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Польшанинг Бидгош шаҳрида ўтказилган каратэнинг WSF йўналиши бўйича дунё биринчилиги бўлиб ўтди. Бу сафарги чемпионатда сайёрамизнинг 43 мамлакатидан 2 минг нафардан зиёд каратэчилар ўз омадларини синаб кўришди.

Шарқ яккакурашлари йўналишида дунёнинг энг кучли терма жамоалари қаторида тилга олинувчи спортчиларимиз навбатдаги нуфузли мусобақада ҳам бу эътирофнинг бежизга эмаслигини кўрсатиб беришди.

Жумладан, умумий ҳисоб бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари 17 тадан олтин ва кумуш, шунингдек, 23 та бронза медалларига сазовор бўлишди. Таъкидлаш жоизки, мусобақани бевосита спорт аренасида томоша қилиш учун келган шарқ яккакурашлари мухлислари вакилларимиз маҳоратига тан бериб, каратэчиларимизни олқишлар билан қўллаб туришди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Кўргазмалар

ҚАЛБДАН ЯРАЛГАН ЧИЗГИЛАР

Икио Хираяма халқаро маданият карвон саройида таниқли ёғоч ўймакори Эргаш Алиевнинг "Қалбдан чиққан чизгилар" номли шахсий кўргазмаси очилди.



Ёғоч ўймакорлиги бадиий ҳунармандчиликнинг қадимий ва кенг тарқалган турларидан бири. Ҳунарманддан ёғочни кесиб, ўйиб, чизиб, бўртма шакллар ҳосил қилиб, ёғоч тахтача ва бўлакларини бир-бирига улаб, ёпиштириб, ҳандасий шакллар, ўсимликсимон тасвирлар, турли хил нақшлар ҳосил қилишда маҳорат талаб этади.

Кўп меҳнат талаб этувчи ушбу соҳада ишловчилар юртимизда ўсадиган маҳаллий дарахтлар – қайрағоч, арча, ёнғоқ, тут, ўрик, чинор, тол, тераклардан фойдаланишади.

Кўргазмада ижодкорнинг шахмат тахтаси, лавҳлар, курсилар жамланмаси, бежирим қутичалар каби 50 га яқин ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси "Халқ таълими аълочиси" ва "Дўстлик" ордени соҳиби Эргаш Алиевнинг асарлари юртимиз ва хорижда ўтказилган танловларда юқори баҳоланган. У йигит-қизларга ўймакорлик санъати сирларини ўргатиб келмоқда ҳамда фарзандларига ҳам ота касбига бўлган қизиқишни уйғота олган.

Фарангиз МУҲАМЕДБОБОЕВА
Алексей Попов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2016 йил 8 апрелдаги 48к-ПО-сонли буйруғига асосан оммавий савдолардан ечилаётган давлат активлари РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	"Махсусбутлашгаз" МЧЖ	35,86 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 21-уй	"Махсусбутлашгаз" МЧЖ	25.04.2012 №1743	861 299 640	100 000 000,00	1 йил
2	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	17,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 331 546 580,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шарти билан.	
3	"Тоғ-геология жамланма экспедицияси" МЧЖ	29,5 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 68а-уй	"Тоғ-геология жамланма экспедицияси" МЧЖ	25.04.2012 №1743	177 394 230,00	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
4	"FAZO VIDEO" МЧЖ	93,19 фоиз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2а-уй	"FAZO VIDEO" МЧЖ	25.04.2012 №1743	34 191 334	–	–

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 10 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2011 йил 1 июнь кунги 1-2736/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган:

— умумий майдони 2100 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (Блок Б ва В). Бошланғич нархи 1 859 317 000 сўм.

— умумий майдони 2700 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (Блок А). Бошланғич нархи 1 796 349 000 сўм.

2. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2012 йил 12 ноябрь кунги 1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юксалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2-қаватли дўкон. Бошланғич нархи 1 802 694 000 сўм.

2016 йил 24 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига, Сергели туман СИБ томонидан, 2014 йил 15 сентябрь кунги ЖСҲ-1-359/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, 4Б-уй, 66-хонадонда жойлашган, умумий майдони 68,99 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 128 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 15% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Тошкент шаҳри аҳоли табиий газ истеъмолчилари диққатига! Ҳурматли истеъмолчилар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 январдаги 06/1-13-сонли топшириғига доир, "Ўзтрансгаз" АКнинг 2016 йил 29 январдаги 42-сонли буйруғи асосида, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида аҳоли истеъмолчиларига етказиб берилган табиий газ ҳажми, ҳамда хонадонларда ўрнатилган мавжуд газ жиҳозлари, яшовчилар сони ва иситиладиган майдонлар бўйича хатлов ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра аҳолига етказиб берилган 47 млн. метр куб табиий газ ҳажмлари ўз эгасини топганлиги аниқланди.

Тошкент шаҳридаги аҳоли истеъмолчилари томонидан сарфланаётган табиий газ учун тўловлар ҳудудларга бириктирилган, банк агенти сифатида фаолият юритадиган тумангаз назоратчи ходимлари томонидан қабул қилиниб амалга оширилар эди.

"Тумангаз" назоратчилар, лавозим хизмат йўриқномалари бўйича уларга бириктирилган ҳар бир аҳоли хонадонларидаги истеъмол қилинаётган (сарфланаётган) табиий газ ҳажмларини ойлик тўғри ва тўлиқ ҳисобга олиниши ва хонадонлардаги яшовчилар сони, иситиладиган ҳажмлар, ўрнатилган газ жиҳозлари ва газ ҳисоблагичларни техник талаб(стандарт)ларга жавоб беришини назорат қилиш учун масъул шахс ҳисобланади.

Назоратчиларга юклатилган вазифалар ва топшириқлар ўз вақтида амалга оширилмай, аҳоли хонадонларига етказиб берилган табиий газ ҳажмлари, ўзаро ҳисоб-китобларини ойлик ўз эгаларига тўлиқ ва аниқ юритилмаётганлиги, истеъмолчилар ва таъминотчи ўртасида ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда.

"Ўзтрансгаз"АКнинг 2016 йил 14 мартдаги "Истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш ва уни ҳисоб-китобини юритиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 142-сонли буйруғига биноан "Тумангаз" назоратчилари томонидан аҳоли хонадонларидан **табиий газ ҳақи учун нақд пул (шу жумладан пластик карточкалар орқали электрон тўловларни) йиғимларни амалга ошириш таъқиқланган**, аксинча, истеъмолчиларга етказиб берилган газ учун шартномавий мажбуриятларни тўлиқ амалга ошириш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилган.

Юқорида қайд этилганларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5 сонли, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги "Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида"ги 132-сонли қарорларида белгиланган талаблари асосида **истеъмолчилар томонидан уларга етказиб берилган газ учун тўловларни, жойларда банк кассалари, электрон ва онлайн тизими орқали амалга оширишларини** ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

"Тошкентшаҳаргаз" филиали

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, кунинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда, момақалдироқ вақтида секундига қучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 20-22 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз ошишишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9245

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ